

Шайх Муҳаммад Аднон ҳафизахуллоҳнинг Бухоро бўйлаб сафарлари ўз якунига етди



16:40 / 29.12.2019 1570

Машҳур фақиҳ, усулий аллома шайх Муҳаммад Аднон ибн Ёсин Дарвиш ҳафизахуллоҳнинг Бухоро бўйлаб сафарларининг иккинчи куни якунланди.

29 декабрь куни меҳмонлар зиёрати имом Бухорий роҳимахуллоҳнинг устозлари, имом Абу Ҳафс Кабир ва имом Абу Ҳафс Соғир қабрлари зиёратидан бошланди. Шундан сўнг меҳмонлар фикҳ илмининг машҳур уламиси имом Шамсул Аимма Ҳалвоний ҳазратлари қабрларини зиёрат қилдилар.

Шайх Муҳаммад Аднон ибн Ёсин Дарвиш ҳафизахуллоҳ сўнгра Бухоронинг Сумитан мавзеидаги Чор Бакр меъморий мажмуасига ташриф буюрдилар. Қайд этиш керакки шу ерда яшаб ўтган машҳур тўрт шайх Чор Бакр номи билан боғлиқ. Шайхлар қабристонидан олдида Абдуллахон II томонидан хонақоҳ, масжид, мадраса ва катта боғдан иборат меъморий мажмуа барпо этилган.

Шайх Аднон ҳафизахуллоҳ Бухоро бўйлаб қилган сафарлари чоғида юртимиздаги қадимий ёдгорликлар, халқимизнинг диний эътиқоди, тарихий обидалар ҳамда Ўзбекистондаги кенг имкониятларни кўриб хурсанд бўлганини таъкидлади. — Аввалари бу ўлка ҳақида бизда нотўғри таассуротлар бўлган экан. Бугун бу маълумотлар акси эканлигини ўз кўзим билан кўриб турибман. Сафар қилиш жараёнида қадимий биноларни, бу

ерда қўним топган буюк устоз ва аллома имомларни зиёратидан сўнг, аввалари бу юрт маданият ўчоғи эканлигини англаб етдим. Китобларда ўқиган маълумотларимга бугун гувоҳ бўлиб турибман. Ҳақиқатан бу юрт фарзандлари дунёни тебратган буюк уламолар бўлишгани тарихдан ҳам маълум, - дея сафар таассуротларини ўртоқлашдилар.

Ушбу зиёратдан сўнг Шайх Муҳаммад Аднон ибн Ёсин Дарвиш ҳафизахуллоҳнинг Бухоро бўйлаб сафарларига якун ясалди.

Кейинги зиёратлар ҳақидаги янгиликлар билан islom.uz порталининг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалари орқали хабардор бўлишингиз мумкин.

***Islom.uz* портали таҳририяти**







Islom.uz портали таҳририяти